

Ўзбекистон — келажаги буук давлат

ЖАЛД СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2002 йил 7 март пайшанба
Сотувда эркин нархда
№ 47 (2875)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАЎҚАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

Афғон халқига ёрдам

Афғонистонга дунёнинг кўпгина давлатлари, БМТ ҳамда нодавлат ташкилотлар томонидан Ўзбекистон ҳудуди орқали юборилётган инсонпарварлик юкларининг умумий ҳажми 100 минг тоннадан ошди.

— Термиз—Хайратон кўприги ва дарё порти орқали юз мингтонна юк дарёнинг нариги соҳилига ўтказилди, — дейди халқаро инсонпарварлик ёрдами юкларини Термизда қабул қилиш, сақлаш ва Афғонистонга жўнатиш ишларини мувофиқлаштирувчи, Сурхондарё вилоят Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи А.Боймирасов. — Сунги кунларда БМТ, Ўзбекистон, Туркменистон ва Эрон давлати томонидан юборилган озиқ-овқат, болалар кийим-кечаги, ўқув қуроллари, қурилиш материаллари, дори-дармон каби зарур юклар ўтказилди.

Чора ТҲҲТАЕВ,
ҲА мухбири.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ЖАМИЯТ ЭҚТИЁЖЛАРИГА ЙЎНАЛТИРИШ

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида ўтказилган кенгайтирилган ҳайъат мажлисида 2010 йилгача бўлган даврда иқтисодий ривожлантириш истиқболлари ва туб таркибий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда малакали кадрлар тайёрлаш дастурини ишлаб чиқиш масаласи муҳокама этилди. Унда олий ўқув юрталари, республикадаги коллежлар ва лицейлар раҳбарлари қатнашди.

Мажлисни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги раҳбари С.Ҳ.Ҳамидов бошқариб.

Мажлисда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев Вазирлар Маъқамасининг ўтган йил якуни ва жорий йилдаги вазифаларга бағишланган мажлисида Юрбошимиз томонидан таълим тизими самардорлигини ошириш борасида қатор зарур чора-тадбирлар белгиланганини таъкидлади. Кадрлар тайёрлаш мисли дустури иккинчи босқичнинг моҳиятига айлантирилган таълим сифатини ошириш масаласи ўқув юрталарининг фаолиятини ривожлантириш билан таълим тизимини эҳтиёжларига мослаштиришга ундамоқда. Ушбу ўқув юрталари битирувчиларига амалий ишлаб чиқаришда талаб мавжуд бўлиши керак. Олий ўқув юрталарининг янги турдаги таълим муассасалари - коллежлар ва лицейларни ортиқча олган маркетинг хизматлари ушбу йўналишда фаолият юритиши лозим.

Мажлисда таълим хизмати бозорини ўзгаришга инқисодий шарт-шароит, интеллектуал салоҳиятдан имкон қадар самарали фойдаланиш вазифалари, ўқув юрталарини тугатаётган ёш муассасаларга бўлган талабни ҳисобга олган ҳолда шакллантириш зарурлиги қайд этилди. Шу боис таъ-

бирлар режаси тузилиб, улар мажлиси қароридан ақс этирилди. Чунинчи, 2010 йилгача бўлган даврда кадрлар тайёрлаш ишларини мувофиқлаштириш тизимининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш муҳимлиги эътироф этилди. Шунингдек, мажлисида кичик ва ўрта бизнесни, хусусий таълим тизимини ривожлантириш масалаларини таҳлил этиш, ушбу жарабани илмий, ўқув-таълим жўнатиш муҳимлиги таъкидланди. Шунингдек, таълим тизимининг ишчи гуруҳини ташкил этишга қарор қилинди. Бакалавр ва магистрат илмий ишлари мавзуси ихтисослашган вазирлик ҳамда идоралар тақлифларида мувофиқ қайта кўриб чиқишди. Мухтасарларга бўлган ҳар йилги ва истиқболда «бўртмалар портфели» ни шакллантириш, корхона ва муассасалар билан битирувчиларни ишта жойлаштириш тўғрисида шартномалар тузиш режаси асосда олиб борилди.

Мажлисда коллежлар ва лицейлар учун педагог ва муҳандис-педагог кадрларини тайёрлашни яхшилаш катта аҳамиятга эга эканлиги ҳақида сўз борди. Бугунги кунда ушбу ўқув юрталари мамлакат таълим тизимининг муҳим бўлишига айланди. Шунинг учун олий ўқув юрталари олим ва ўқитувчилари мазкур билим юрталари билан ўрнатилган алоқаларини мустаҳкамлаш, шу жумладан уларни замон талабларига жавоб берадиган ўқув адабиётлари билан таъминлашни кенгайтириш, илгор педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш, ўрта махсус касб-хунар таълим тизимини ишлаб чиқиришга янада яқинлаштириш учун маркетинг тадқиқотларини ўтказиши лозим.

А.ИВАНОВА,
ҲА мухбири.



БОҒИМДА БАҲОР

Баҳор уйғониш, гўзаллик, ёшариш, атрофнинг яшилликка бурканиши билан гоёат қадридлир. Шу билан бирга, бу пайтда далаларда иш қизийди. Кўпни кўрган бободоҳқонларимиз ҳар доимгидек ушбу ишни аллақачон бошлаб юборишган. Қува туманидаги Муствақиллик фуқаролар йиғини ҳудудда истиқомат қилаётган, 86 баҳорни қаршилаган, бутун умрини деҳқончиликка бағишлаган Абдуллажон ота Исмоилов ҳам ана шундай тажрибали боғбон ва пиру бадавлат отахонларимиздан биридир. У киши ўзининг томорқасида турли ноз-неъматларни етиштиради. Бу ҳам олинанинг, ҳам халқимизнинг дастурхонини тўқин қилишда ёрдам берапти.

СУРАТДА: Абдуллажон ота Исмоилов невараси Ҳусниддинга дархатга шакл беришни ўргатмоқда.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ПРОТОКОЛ ИМЗОЛАНДИ

Ўтган йилнинг 25 январидан Исломобода Ўзбекистон Республикаси билан Покистон Ислмо Республикаси ўртасида экстрадиция тўғрисида шартнома имзоланган эди. 6 март кунини Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигида ушбу ҳужжатнинг ратификация ёриқларини алмашиш тўғрисида протокол имзоланди. Унга Ўзбекистон томонидан ташқи ишлар вазири Аб-

дулазиз Комилов, Покистон томонидан эса ушбу давлатнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Фазал Фаҳрур имзо чекди. Ушбу ҳужжат дунё миқёсида халқаро террорчилик ва уюшган жиноятчиликка қарши кенг қўлланма кураш давом эттаётган пайтда ратификация қилинган бежиз эмас. Шартнома икки мамлакат ҳуқуқини муҳофаза

қилиш идоралари ўртасида жиноятчиликка қарши курашда ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш учун катта имконият яратди. Жумладан, ҳужжат Ўзбекистонда жиноят содир этиб, Покистонда яшириниб юрган шахсларни ва Покистонда жиноят содир қилиб, Ўзбекистонда қўлга тушган фуқароларни ушлаш ва қайтаришни назарда тутди. (ҲА).

МАМЛАКАТИМИЗДА:

● Қашқадарьдаги «Шўртангаз» кондентс қонида компрессор станцияси қуришга киришилди. Қазиб олинётган газ босимини бир маромда ушлаб туришни таъминловчи ушбу ишцоёт қурилишини Исроилнинг Project Ltd компанияси ўз зиммасига олди. Мазкур ишцоёт қурилиши учун АБН «Амробанк» ва Исроилнинг «Хапоалим» банкида 195,2 миллион доллар миқдоридagi учта кредит йўналиши очилди.

● Шу йилнинг 63 ойларидан бошлаб «Сино» совутичларининг янги тури мамлакатимиз бозорларига чиқарила бошланди. Самарқанддаги мазкур корхона ва Италиянинг «Канон» фирмаси маҳсулотни ҳисобланган ушбу совутичларнинг аввалигидан фарқи металл кам ишлатилган, электр энергияни тежайди, энг

асосийси, унинг музлатгичи 24 даражага қадар яхлата олади.

● Сарбисийдаги «Пахта» ҳиссадорлик жамиятида қайта ишланган пахта толаси нафқат ҳамдустлик мамлакатлари, балки Америка, Италия, Англия сингари йирик хорижий давлатларда ҳам машхур. Яқин ойлар ичиде корхона имкониятлари янада кенгайди. Бу ерда Италия билан ҳамкорликда қўшма корхона ташкил этилаётир. Корхона ишга тушса, халқ истеъмолчи учун зарур бўлган йа, совути, широт сингари маҳсулотлар ҳам аҳолига сотила бошлайди. Шунингдек, «Пахта»нинг ўзида тўқув фабрикаси қурилишига ҳам пойдевор қўйилди. Ҳодемай бир ярим миңдан зиёд ёшлар доимий иш ўрнига эга бўладилар.

ОНА ЗАМИН НАФАСИ

ЧЕТ ЭЛЛАРДА:

● Америка ҳарбийларининг Афғонистондаги Гардез шаҳри атрофида «Ал-қонда» экстремистик гуруҳи ва «Толибон» ҳаракати жангирилари қарши олиб бораётган амалиётлари натижасида 500 дан ортиқ жангари йўқ қилинган. Хабарларга қараганда, у ерда тахминан яна шунча жангари бор.

● Кеча Исроил авиацияси Ҳазо секторидagi Фаластин ерларини ўққа тутта бошлаган. Ундан аввал Исроил ҳарбийлари бронетехника ёрдамида Ҳазо секторининг шимолий ҳудудларига кириб, Каррара қишлоғини эгаллаган эди. Исроил ҳарбийлари бу амалиётлар Фаластин томонидан яқудийлар яшовчи ҳудудларига Gassat ракетаси юборишганига жавобан уюштирилган ҳаракатдир, дея таъкидлашмоқда.

● Ҳиндистонда ноъмалум қуролланган жиноятчи намоийи пайтда таниқли хинд сийатчисини отиб ўлдирган. Полициячиларнинг айтишича, воқеа Уттар-Прадеш провинциясида ўтказилган сайловларда раёнасиз қозонган Самаяджи партиясини намоийи пайтда содир бўлган. Халок бўлган Мансур Аҳмад Бахори округининг депутати эди. Жиноятчи асирга олинган.

● Филиппин жанубида юз берган zilzila оқибатида уч киши халок бўлган, 17 киши жароҳатланган. Zilzila маркази Султон Қудурат провинцияси маркази Исулан шаҳридан 100 км. узоқликда жойлашган. Филиппин сейсмологларининг таъкидлашича, унинг кучи Рихтер шкаласи бўйича 6,8 баллини ташкил этган.

«Халқ сўзи», «Туркистон-пресс», «Интернет».

ДИКҚАТ: БЕВОСИТА МУЛОҚОТ

АЛЛО, СИЗНИ ҚЎМИТА РАИСИ ЭШИТАДИ!

Мухтарам «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газетхонлари! Шу йил 12 март кунини соат 10.00 дан 12.00 гача сизлар учун Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Ботир ХҲҲАЕВ телефон орқали мулоқот соатлари ўтказлади.

Агар солиқ билан боғлиқ саволларингизга шахсан қўмиита раисидан жавоб оломоқчи бўлсангиз, уша кунни куйидаги рақамли телефонларга қўнироқ қилинг: (8-371) 144-89-29, 144-44-51.

Мабодо қўмиита раисига берилмак саволларингиздан айтилмакчи бўлсангиз, иш кунлари соат 10.00 дан кеч соат 18.00 гача бевосита махририятимизга факс орқали (8-371-133-09-85) йўллашингиз ёки (8-371) 132-10-65 рақамли телефон орқали байб эйтишингиз ҳам мумкин.

БЕВОСИТА МУЛОҚОТГА МАРҲАМАТ!

ХОРИЖИЙ ПАРЛАМЕНТЧИЛИК ТАЖРИБАСИГА НАЗАР

ДАВЛАТ ҚОНУНЧИЛИК ҲОКИМИЯТИ

«Давлат ҳокимияти қонунчилик вақолатлари бўлишини тақозо этади», — Александр Гамилътон, «Федералчи»нинг қайдлари», 1787—1788 йиллар.

Вазминлик ва қарама-қаршилик тизими

Авалло вазминлик ва қарама-қаршилик тизими ҳамда ҳокимиятни тақсимлаш каби муҳим тушунчалар америкаликлар тасавурида қандай ҳам баён этган, Гамилътон эса «демократик асосларда демократик сенат томонидан ушлаб турилиши, ҳар иккала орган ҳам бош демократик магистрат (ижро органи бошлиғи) томонидан ушлаб турилиши зарурлигини қайд этди.

Ҳокимиятни тақсимлаш

Ҳокимият бир қўлда туланиб қоллишига йўл қўймаслик учун ун давлат ҳокимиятининг турли шохобаларида тақсимлаш тизими вазминлик ва қарама-қаршиликнинг аниқланган кенг тифақсига мансубдир. Бунда яна бир афзаллик — давлат ҳокимиятининг самардорлиги ва таъсирчанлигини ошириш ётади.

Давлат ҳокимиятининг турли бўғинлари ихтисослашган вазифалар билан чекланиш орқали бир томондан махсус эксперт билимларни тўплайди,


бошқа томондан эса ўз фаолиятдан ифтихор туйғусини вужудга келтиради.

Бир вазифани бажаришда ҳал қилувчи аҳамият касб этган хусусият бошқа бир ўринда зарар келтириши мумкин. Чунинчи Гамилътон «ижро ҳокимиятида кучнинг намоён бўлиши» мамлакатни четдан қилинган ҳужумдан муҳофаза этишда бениҳоя муҳимлигини, қонунларнинг адолатли қўлланилиши ва шахсининг мулк ҳамда озолигини ҳимоя қилишини, бир-бири билан ўзаро узвий боғланган ҳуқуқ эканлигини таъкидлаган.

Айни пайтда қонунчиликнинг яхши хислатлари куч орқали эмас, балки «муаммолар ечимига оқилона ёндашуш»да намоён бўлиши, бунинг учун халқ ишончи ва жамият аъзоларининг хилма-хил манфаатлари ифода топтоми муҳимдир. Шу билан ҳам ижрония ҳокимияти бир киши — Президентнинг қўлида бўлиши кераклиги бониси яққол аён бўлади, нега деганда ижрония ҳокимияти раҳбарлари қўлайиб кетса давлатнинг қалтиб ва фавқулодда ҳолатларда ҳокимият оқибатини ва муҳим тадбирлар барбод бўлиши мумкин. Бу халқ иродасини ифода этувчи қонунчилик ҳокимияти ў ёки бу қонунни ҳар томонлама муҳокама орқали чиқарилиши, ижрония ҳокимияти раҳбари бу қарорларни қайта ҳар қандай гарази шaxe ёки гуруҳларнинг таъсирларига берилмасдан оғинмай турмушга татбиқ этишини аналтади.

(Давоми 2-бетда).

Январ ойида бўлиб ўтган референдумнинг ёриқ натижалари нафқат халқ хоҳиш-иродасини ақс эттирди, балки Ўзбекистонда парламентнинг бир палаталикдан икки палаталикка ўтиши учун ҳуқуқий асос яратди. Ҳозирги босқичда янги парламент қурилишининг қўрилишлари ҳар бир шахс учун ва кенг жамоатчилик: сийатчилар, сийатсунослар, сийатли партиалар вакиллари, збилилар ва оммавий ахборот воситалари учун ҳам бир ҳақ долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу маънода Ўзбекистон бир қанча икхобий афзалликларга эга бўлиб, янги бу ўринда давлат бошқарувининг барқарорлик ва самардорлик жиҳатларини ақс эттирувчи ривожланган мамлакатларда парламентчилик институтини вужудга келтириш тажрибалари ўрганилганлиги назарда тутилди. Демократик тизимга асосланган бир қанча ривожланган етакчи мамлакатларда уларнинг давлат тизимини қандай бўлишини (шоҳ феодализм, хоҳ унитар) қатъий назар асосан икки палатали парламент амал қилади. Айниқса, ҳозирги пайтда дунёда икки палатали парламент тузиши интилиш яққол кўзга ташланади. Бу жараён катта мамлакатларда ҳам, кичикларида ҳам кузатишмоқда. Умуман икки палатали парламент жорий этилган давлатлар 70 афзалликдир. Ҳиндистон, Бразилия, Россия, Аргентина, Мексика, Швейцария каби йирик федератив давлатлардан ташқари Франция, Италия, Испания, Бельгия, Голландия, Япония, Польша сингари унитар давлатларда ҳам икки палатали парламент тадбиқ этилган. Шубҳасиз, қонун чиқарувчи идоралар орасида Америка Қўшма Штатлари парламенти — Конгресснинг вужудга келиши ва қарор топиши тарихи алоҳида эътиборни ўзига жалб қилади. Ушбу конгресс 200 йилдан зиёд давр мобайнида мамлакатнинг давлат ва сийатли институтлар тизимини бош қароқчи ва салмоқли ўрнини эгаллашга эришди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг 2002 йил 27 январда оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервьюсида Ўзбекистон АҚШ парламенти, хусусан Сенат тажрибасидан кўпгина жиҳатларини ўрганишнинг, деган сўзлари тўла асосга эгадир.



(Давоми. Боги 1-бетда).

Конгресс — АҚШ парламенти

АҚШ Конституцияси-нинг биринчи моддаси федерал ҳукумат барча қонун яратиш ваколатларини икки палатага — Сенат ва Вакиллар палатасидан иборат Конгрессга белгилаб берган. Асосий қонунда кўзда тутилган, Сенатта ҳар штатдан иккитадан аъзо қиради. Ҳозирги пайтда мазкур орган аъзолари 100 кишидан иборат. Вакиллар палатаси аъзолари ҳар бир штатнинг аҳоли сонидан келиб чиқади. Шу сабабли мазкур палата аъзолари сони Конституцияда кўрсатилмаган. Бугунги кунда Вакиллар палатасига 435 киши аъзодир. Конституцион Конвент делегатлари ҳисоблаганларидек, иккала гуруҳнинг бири штатлар ҳукуматини ифодаласа, бошқаси халқ номидан вакил бўлса — улар тақдим этилган қонунни тасдиқлашлари шарт, натижада Конгресс томонидан у ёки бу қонунни шояма-шоярлик билан ёки пала-партиш қабул қилиш хавфи қамаяди. Шунда Англия парламентида бўлгани каби битта палата ҳаминша бошқаси томонидан текширилиши мумкин.

Ким Конгресс аъзоси бўлиши мумкин?

Конституцияда таъкидланганича, АҚШда ҳеч ким 30 ёшга етмаган бўлса, 9 йил мобайнида Қўшма Штатлар фуқароси бўлмаган бўлса ва сайлов пайтида уша штатда яшамаган бўлса сенатор бўлишга ҳаққи йўқ. Вакиллар палатаси аъзоси камидан 25 ёшга тулиши, етти йил мобайнида Қўшма Штатларда яшashi ва уша сайланаётган штатда истиқомат қилиши шарт. Юқорида таъкидлаганимиз-

ланади. Сенаторнинг ваколат муддати олти йил бўлиб, ҳар икки йилда Сенат таркибининг учдан бири қисми қайта сайланиб боради. Шундай қилиб, ҳамма вақт сенаторларнинг учдан икки қисми миллий асосга эга бўлган қонун чиқарувчи фаолият тажрибаси соҳиб бўлади. Вакиллар палатаси аъзолари ваколат муддати икки йил бўлиб, у ёки бу Конгресснинг ишлаш давомийлиги икки йилга тенгдир.

Вакиллар палатаси ва Сенат ваколатлари

Конгресснинг ҳар бир палатаси қуйи палата вазифасига кирувчи айрим қонунлардан ташқари ҳар

иккала палата аъзоларидан иборат Келишув қўмитаси қонун лойиҳасини барча томонларга мақбул тарзда ишлаб чиқиши керак. Сийёсий кучларнинг турфа хиллиги шароитида Келишув қўмитаси ёки комиссия институтини жуда муҳим ўрин тутди. Худди шунга ўхшашроқ манзарани Ўзбекистонда 1999 йилда ўтказилган парламент сайловларида гувоҳи бўлгандик. Ушан-дент етти субъект — бешта сийёсий партия, маҳаллий ҳокимият органлари блоки, мустақил номзодлар блоки, вакилларидан сайловолди масумини мувофиқлаштириш бўйича Келишув кенгаши тузилган эди. Парламент ислохоти жараёнида юқори палата ваколатларини ҳам ўрганиб чиқиш фойдалан холи бўлмади. Масалан, Сенат Прези-

муаллифлари ва кашфиётчиларини мустақамлаб қўйиш; * уруш эълон қилиш; * армияларнинг шакллантириш ва таъминлаш; * Қўшма Штатлар ҳукумати учун барча қонунларни чиқариш; * АҚШ Конституцияси роя қилинишини таъминлаш учун зарур барча қонунларни чиқариш ҳуқуқига эга.

Конгресс тузилмаси, қўмиталар иш тартиби ва қонунчилик жараёни

Конституцияда белгилаб берилганича, Қўшма Штатлар вице-президенти Сенат

бошлаётганда сийёсий партиялар аъзолари улар номидан сўзга чиқувчи етакчиларни сайлашади. Ҳозирги пайтда Сенатда 17 та доимий қўмита мавжуд. Вакиллар палатасида эса 19 та қўмита бор. Ҳар бир қўмита қонунчиликнинг муайян соҳаларига: ташқи сийёсат, муҳофаза ишлари, банк ишлари, савдо, бюджет, қишлоқ ҳўжалиги, соғлиқни сақлаш, таълим, фан, кичик бизнес масалаларига ихтисослашган. Ҳар бир палатадан киритиладиган қонун лойиҳалари ўрганиш ва кейинчалик тавсия этиш учун тегишли қўмитага юборилади. Қўмита ҳар қандай қонун лойиҳасини маъқуллаши, қайта кўриб чиқиши, рад этиши ёки қабул қилмаслиги мумкин. Бирор қонун амалда тегишли қўмитадан томонидан маъқуллашмасдан туриб Вакиллар палатаси ёки Сенатга етиб бормайди. Қонунлар Конгрессга турли усуллар билан киритилади. Базми қонун лойиҳалари доимий қўмиталар томонидан тузилади; бошқа лойиҳалар қонунчилик фаолияти масалалари билан машғул махсус қўмиталар томонидан; яна бошқалари Президент ёки ижрония ҳокимиятининг мансабдор шахси томонидан тавсия этилади. Шунингдек, Конгресснинг айрим аъзолари ҳам қонунчилик ташаббуси билан чиқишлари мумкин. Қонун лойиҳаси киритилгандан кейин бу ҳужжатлар тегишли қўмиталарга юборилади, у ерда қўмита аъзолари томонидан кўриб чиқилади, сўнг очик ва кенг муҳокама қилинади, пиروвардидан қонун лойиҳаси тақдирини овозга қўйиш ҳал этиди. Агар иккинчи палата бу қонун лойиҳасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритса, ҳар иккала палата аъзоларидан иборат Келишув қўмитаси томонлар ўртасидаги қарам-қаршиликни бартараф этишга ҳаракат қилади. Ҳар иккала палата қабул қилган қонун лойиҳаси имзоланган қонун Президентга берилади. Ҳар қандай янги ҳужжат чин маълум Қонун бўлгунча худди шу йул ва таомини бошдан кечиради. Шундай қилиб АҚШ ва бошқа давлатлар парламентидаги тажрибасини ўрганиш нафақат назарий, илмий, балки амалий аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

Ташаббус сўнмасин!

ГАЗ ЎЛЧАГИЧ КЕРАК!

Наманган вилоятининг 6 та қишлоғида ўтказилган тажриба айни шу ҳақиқатни яна бир қарра тасдиқлади.

Вилоятнинг кўпгина қишлоқларидаги хонадонларда газ босими пасайишининг сабаби ўрганилганда, базми оилалар «зангори оловдан мейёридан кўп миқдорда фойдаланаётгани маълум бўлди. Дастлаб улар оғохлантирилди, сўнгра айбдорларга нисбатан жарима чораси ҳам қўлланилди. Аммо ахвол ўзгармади. Нима қилиш керак? Шундан кейин тажриба тарихисидан олти қишлоқдаги барча хонадонларга газ ўлчагич мосламаларини ўрнатишга қарор қилинди. Таъминот масаласини ҳал этиш вазифасини туман газлаштириш идоралари ўз зиммасига олди. Лекин ҳамма ҳам мосламани сотиб ола билмади. Бу муаммони ениш мақсадида газлаштириш идоралари яна ташаббусчи ўз қўлларига олди: кам даромадли, ихтимомий ёрдамга муқтож оилаларга шартнома асосида кредит олишларига ёрдам берди. Бир қисм оилаларга эса «Маҳалла» жамғармаси ва хомийлар томонидан маблағ ажратилди.

Шу тажриба қандай самара берди?

Учқўрган туманидаги Қайқи қишлоғида 760 та оила яшайди. Демак, шунча хонадонда газ ёнади. Илгари уларда белгиланган мейёр бўйича йилга 3,2 миллион кубометр табиий газ сарфланарди. Уларга ўлчагич мосламалари ўрнатилган, роппа-роса 48,5 фойз ёки 520 минг кубометр газ иқтисод қилинди. Бу пулга чақилса, 1,1 миллион сўмни ташкил этади. — Биз ҳар йили газ учун 12 минг сўм тўлардик, — дейди Файзибод маҳалласида яшовчи фуқаро М. Ҳакимов. — Энди 7200 сўм чўнтагимизда қоляпти. Бу, албатта, газ ўлчагич мосламасининг шарофатидандир.

И. ЎТБОСАРОВ, К. НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

АҚШДА ҚОНУНЧИЛИК ҲОКИМИЯТИ

қандай қонун лойиҳасини Конгрессга киритиш ваколатига эгадир. Қонунчилик жараёнида икки палатанинг ўзаро муносабатларини ўрганиш уни ўзбек парла-

дент томонидан у ёки бу юқори лавозимга қўйилган мансабдор шахсларни ва федерал ҳукумат элчиларини тасдиқлаш, шунингдек, барча шартномаларни учдан

раиси ҳисобланади. Лекин у овозлар тенг иккига бўлиб қолган ҳоллардан ташқари вазиятларда овоз беришда қатнашмайди. Сенат вице-президент жойида



Капитолий. Конгресс биноси.


ментини шакллантиришда ниҳоятда эътиборлидир. Ушбу механизм шу пайтгача Олий Мажлис фаолиятида қўлланилмаганили бор гап. Амалда ҳар бир палата бошқаси қабул қилган қонунларга қарши овоз бериши мумкин. Сенат Вакиллар палатаси тавсия этган у ёки бу қонун лойиҳасини тасдиқлашаслиги, унга ўз тўзатишларини киритиши мумкин. Бундай ҳолатда ҳар

икки овоз билан ратификациялаш ваколатига эгадир. АҚШ парламентида айрим ваколатлари ҳақида тўхталамиз. Конгресс: * солиқларни белгилаш ва олиш; * банкротлик тўғрисидаги масала бўйича қонун қабул қилиш; * федерал судлар тизимини тасвис этиш; * битиклар ва ихтиролар

бўлмаган пайтлари ушбу орган мажлисларини бошқариши учун рго темроге раисини сайлайди. Вакиллар палатаси ҳам ўз раиси — палата спикерини сайлайди. Спикер ва рго темроге раиси ҳамма вақт ҳар бир палатада кўпроқ вакилга эга бўлган сийёсий партиянинг аъзолари ҳисобланишади. Шунингдек, Конгресснинг янги сессияси иш

Шерзод ҚУДРАТҲЎЖАЕВ, сийёсатшунос.

АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ахборот ва маданият бўлими қўмитада тайёрланди.



Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎЗА) олган суратлар.



САКУРА БОҒИ — ДЎСТЛИГИМИЗ РАМЗИ

Мамлакатимиз билан Япония ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик, маданий-маърифий алоқалар тобора раванок топаётди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Япониянинг юртимиздаги элчихонаси билан ҳамкорликда пойтахтимиздаги Абдуҳамид Қасомов кўчасидаги Марказий боғда бўлиб ўтган кўчат экиш маросими бунинг яна бир далилидир. Боғ худуди эрталабданок жамоатчилик вакиллари, талабалар, фахрийлар билан гажаму бўлди.

Талбирни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабўраҳмонов очди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тулаганов маросимда эрта баҳор, Наврўз арафасида кўчат экиш, кўча-кўягини саранжом-саринталани, ободонлаштириш, ҳашар ўтказишдек хайрли юмушлар азалий анъана эканини таъкидлади. Бугун илк бор барпо этилаётган сакура боғи эса бу аёнган янада бойитди, икки мамлакат ўртасидаги дўстлик тимсолига айналди. — Сакура Японияда муқаддас дархат саналади, — деди Япониянинг мамлакатимиздаги Факултолда ва мухтор элчиси К.Накаяма хоним. — Она заминга меҳр, қомиллик, покизлик рамзи бўлиши бу дархатнинг гуллангани табиятининг мўъжизакор манзараси дейиш мум-

Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги

Дунёда нима кўп, йўл кўп. Ундан-да йўловчи кўп. Остона ҳатлаб кўчага чиқдикми, йўловчимиз. Йўл ҳаракати қондаларига амал қилсак, ҳеч зарар кўрмаймиз. «Йўл ҳаракати қондаси — умр фойдаси» деб бежиз айтилмаган-да. Бу йўловчи ҳам, ҳайдовчи ҳам бирдай тегишли. Хавфсиз ҳаракат — бош мезон.

КЎЗИНГИЗ ЙЎЛДА...МИ?

— Транспорт воситаларининг кун сайин кўпайиб бораётганини, йўлга-йўл қўшилётганини, турли кўринишдаги кўча тасодуфлари ҳаракат хавфсизлиги ойлигида кўзда тутилган мақсадга эришишни талаб этмоқда, дейди Илҳомий вилот ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи, милиция подполковниги Азамат Шакарлов. — Аниқ белгиланган режаларимиз бор. Аввало, тадбирга кенг жамоатчиликни жалб этидик. 220 нафар ходимларимиз аниқ манзил, кенг қамровли вазифалар билан қўраланди. Барча маҳалла, ҳўжалик, ташкилот, муассаса, ўқув даргоҳларида тушунтириш-тарғибот ишлари олиб бориляпти. Утказилаётган тадбирлар давомида ҳаракат хавфсизлигида ундовчи мувожазотна, варақа ва лавҳалар бевоисита автоулов воситалари, аҳоли гажаму жойларига хабар тахталарига ёпиштирилган. Йўллардаги махсус кўргазма воситалари кучайтирилди. 15 та кўчага радио мосламаси воситасидан фойдаланилмоқда. 22 та йўл ҳаракати махсус машиналарида мобел гуруҳлари фаолият кўрсатаяпти. Кўча экологик постлар соғи ошди. Клубларда турли кўринишдаги кинолавҳалар намойиш этилмоқда. — Утган йили 235 та йўл транспорт ҳаракати ҳодисаси қайд этилди, — дейди йўл пат-

Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги

рул хизмати отряди штабининг бошлиғи Азам Аҳмедов, — энг ачинарлиси шундаки, уларнинг 43,7 фойзи пйедалар ҳисобига тўғри келди. Шунинг учун «авария ўчоқлари» аниқлаиб, профилактик тадбирларни кучайтирдик. Кўчи кеч миллион майорларни Бахтиёр Рўзиев, Шермурод Этамов, катта лейтенантлар Олим Жабборов, Каҳрамон Сулаймоновлар 3-, 22-, 23- автосаройларда хавфсизликка оид тадбирларни ташкил этишди. Менимча, шу йўналишдаги вазифалар ечими инсон манфаатларига кўп ва кўп хизмат қилверарди. Милиция майори Бахтиёр Рўзиев бизни қўлаб ҳужжатлар билан таништирди. Кўндалик иш сарҳисоби мужассам, Асосий ўқув даргоҳлари, болалар боғчалари, маҳаллаларга қаратилаяпти. Мақсадларда 35 соатлик ўқув машғулотлари ташкил этилиб, бошқарма ходимларининг иштироки таъминланмоқда. Масалан, катта лейтенант Валижон Ашуров, капитан Рустам Раимовларнинг Кармана туманидаги 5-, Навоий шаҳридаги 17- мактабларда шундай дарсларни уюштиришдаги фаолигини сезиш мумкин.

Хуллас, кузатишимизча «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» тадбирларидан ҳеч ким четда қолгани йўқ. У ўз самарасини бериши аниқ. Абдуҳоҳоб ПИРМАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Яхшидир ачиқ ҳақиқат...

ЎҒИТ ЎҒРИЛАРИ

Ўғриликнинг тури кўп, усуллари турлича экан. Кайси бир қили эри то мешиб, мод ўғирлайди. Яна бири қўла-қундузи кўншинини тунайди. Лекин азалдан кўпчиликнинг мулкига кўз олайтирганлар халқнинг газабига учраган, журдан созояи қилинган. Шариятда эса мол ўғрига, уни билла туриб сотиб олган кимсага нисбатан ҳам бир қил ҳақ қўлланган. Яқинда Риштон туманининг Тула қишлоғида енод келтирилган воқеа рўй берди. Қирқин қоралоб қолган Раҳмонбери Эралиева ҳам-қилишқоқлари ишонч билдирди. «Риштон» ширкат бўжарлигининг жамоаларидан хўрида бош пудратчи этиб та-йинлашди. Кичик жамоанинг ҳам ўзига хос ташвишлари бор. Барча муамолар юмушлари бошлиқ зиммасида. Мол-ди бойликлар сақланганда омборнинг қалитини Раҳмон-берди ҳеч кимга ишонмасди. Лекин «хўшёр»ликнинг сирини бошқа экан. Туман прокуратураси минерал ўғитларни сақлаш, сир-лаш юзасидан назорат тарти-бида текшириш ўтказётганда сарқорнинг ҳаракатларидан беқорлик сезилиб қолди. Бу раҳбарларига унга қўлқўқ қилди. Бу эълитор муларин анча талтайтириб юборган, шексизли. Бўлмас, 619 килограмм суперфосфат, 1900 килограмм аммиакли селитра кам чиққан бўлсаям, пинатинги бўзмай гоздек кўкрак кериб юрмаган буларди. Шу тумандаги Келдиев номли ширкат ҳўжалигининг минерал ўғитлар омбори му-дири Рустам Маҳкамовнинг қилмишлари эса юқоридаги-ларни чангда қолдириб юбо-рар экан. Бу «шовиоз» хоҳса-са ўғитларни ўғит сўдга сотиб юборган, хоҳсама миқоз-лардан истанчага чегириб қол-ган. Бўлмас унинг тасарру-финдаги омборхондан 2100 килограмм калий хўларидан, 2300 килограмм суперфосфат кам келиб, 9320 килограмм кар-бонид ўғити ортиқча чиқар-миди? Балки «ишбилармон» омбор мудари бозори чаққон ўғитлардаги қамоманди, бозо-ри анча касод ўғит билан ёпиб юбормоқчи бўлгандир. Энди бу ёғини қилин қирқ ёради-ган терговчилар аниқлаб бе-ришди. Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.



шуниси билан ибратлики, унда инсон руҳининг муҳим бир жиҳати намоён бўлган. Бу жиҳат — озодлик иштиёқи. «Ким агар озоддир — ул шоддир» деганлар Паҳлавон Маҳмуд ҳазратлари. Инсон табиатидаги ана

Бирники мингта, мингники туманга, деган гап жаҳл тўғрисидадир, адоват ҳақидадир. У зирдорларнинг хуржани оламга тарқатишдан иблис асло эринмайди. Эҳтиёт бўлинг, эзу сўз баъзан сизнинг, менинг, унинг хайрихоҳлиги бўлмаса, акс-садосиз қолиб кетиши мумкин. Бироқ ёвуз сўз, албатта, нишонга бориб тегади. Заҳар аксар оғиз орқали ошқозонга эмас, балки қулоқ орқали юракка бориб тушади ва инсон руҳи деб аталган имо-

эзу амалларни ҳам етаклаб келишини уйлаб, бу мавзуда мароқ билан суҳбатлашиб кетдик.

Афсуски, ҳаётла баъзан бунинг акси ҳам бўлади.

ТОНГ отаётир. У ҳали замон ҳаммамизга кўш туҳфа қилади. Бизлар ҳам тонг янглиғимиз. Бизларнинг эзу сўзларимиз — бизларнинг кўшларимиздир. Жаҳл келса, ақл қочади дейдилар. Қочган ақл билан ватани ватан қилиб бўлмайди. Мен бир-бирлари билан мусобақалашаётган фарзандларимизга фақат спорт белашуварлари эмас, бир-бирларини ардоқлаш бобида ҳам муваффақиятлар тилайман. Мен азалдан абадга қараб кетаётган жабрдийда она тилимизнинг мана шу отаётган тонг каби гўборлардан фориғ бўлишини хоҳайман.

Тонг ташрифини пеш қилмайди. Шунинг учун ҳам уни субҳи содиқ дейдилар. Эзуликларнинг ҳаёлларимизга қулаётган ташрифлари ҳам, иншоолх, тонг каби муқаррар бўлади. Мен қаттиқ ишонман, шу соҳир тонгнинг шавфоф нуллари бир кунмас бир кун ўз сеҳрларини билан софдил инсонлар руҳини бадбинликлардан тамомила халос этиб, яна ҳам мухташам қилади. Халқлар худди бизнинг Самарқанд анжуманларидегидек бир-бирларининг қўшиқларини ардоқлаб тинглайдиган бўладилар. Ватандошларимизнинг ҳар бир нафари ҳақида кўшиқ айтса арзийдиган кунлар келадилар.

Йўлга чиқаётирман. Алҳамдулиллоҳ, сизларнинг ўйингизни четлаб ўтиш ниятида эмасман. Ўзи, шундоқ ҳам умр қисқа, йўл узун. Жуда қаттиқ шошиляпман. Мен сизга эзуликлар ҳақида қилмоқчиман.

Матназар АБДУЛҲАКИМ.

УМР ҚИСҚА, ЙЎЛ УЗУН

ЭССЕ

Бир қавмнинг машҳур паҳлавони бор экан. Қурашларда кураги ер кўрмай, донг таратар, галабалари эвазига тушган маблагларни бева-бечораларга улашиб, мағрур ҳаёт кечиради экан. Нима ҳам бўлибди-ю, бошига қулфат тушиб, пулга зорикиб қолибди. Насиба экан, судхўрдан қарз кўтаришга тўғри келибди. Судхўр инсофсиз чиқиб, сал ўтмай ўзи берган муҳлатта ҳам сабри чидамасдан қарзни қистай бошлабди. Паҳлавон қарзини уза олмагач, судхўр жирканч ҳийла ишлатибди. Ингит курашга чиқётганида, у қарзини талаб қилиб, тўполон кўтарибди. Паҳлавон майдонга руҳсиз тушибди ва, табиийки, йиқилибди. Шу тарзда мағлубиятлар бир неча марта табарқорланибди. Шунда инсофли бир давлатман одам эл-юртнинг олдидан паҳлавоннинг қарзини узибди. Қарз эвазига берган пулидан кечганини, паҳлавон энди ҳеч кимдан қардор эмаслигини эълон қилибди. Ҳам қарздан қутулган, ҳам холис бир инсоннинг олийжаноблигини руҳланган паҳлавон яна ҳам улкан галабалар қозониб, энди жаҳонга донг таратибди.

Бу анча олдин Хоразмда бўлиб ўтган воқеа. Бу воқеа

шу иштиёққа нимаки таҳлика соладиан бўлса, буларнинг барчасини долзарб истилоҳ билан «терроризм» деб аташ мумкин. Террорист бўлиш учун одам тиш тирноғигача қуролланиши, чангалидан қон томиб турган балбашара бир махлук бўлиши шарт эмас. Кўк чой ичиб ўтириб ҳам ўлдириш мумкин» деб ёзган эди Эркин Самандар. Бундай қонқакшатчи ёвузликларнинг уринтгувчиси инсонларнинг бир-бирларига бўлган гайирлигидир.

ТОМА-тома кўл бўлур, дейдилар. Жаҳл ҳам шундай. Жаҳолат ҳам. Меҳрнинг табиати нозик. У худди булбул жұжасидек, саодатли бир пинҳонийлик билан ноёб тарзда бунёд бўлади. Биз уни гулбонг уриб сайраётганидагина пайқаб қоламиз. Жаҳл эса, кечирасиз, битдек болабалаб туриб, итдек қонади.

ратни ичдан емиради.

БАЙРАМ кунлари эди. Хорижлик шоир дўстим билан Урганч кўчасидан кетиб борар эдик. Шундоққина рўпарамизда ҳали эндигина тили чиққан болакай қўлидаги шарчасини «қочириб» юборибдию, маъсум бир куюнчақлик билан ниҳоятда ифодали қилиб «афсус» деди. Тонг қолдим. Менику кўяверинг, мен билан учинчи бир тилда суҳбатлашиб келатган ҳамроҳим: «Бу сўз сизларда ҳам борми?» деди. «Ҳа, бор, — дедим. — Бироқ бу ёшдаги болакайлар ишлатадиган даражада фаол эмас эди. Пушаймонни аңглатади бу сўз». «Бизда ҳам шундай, — деди меҳмон, — бизда бу сўзнинг бир узик гузал бир мисра шеър бўла олади». Шу бир сўз баҳона бўлиб, миллатлар бир-бирларидан, аксар эзу сўзларни ўзлаштиришларини, бундай эзу сўзлар, одатда, ўз ортидан

Газетада босилмади, аммо...

ШОНАЗАР ОТА АРАВАЧАЛИ БЎЛДИ

«Ешим 64 да. 1950 йили пахтага ишлов бераётган чоғимда йиқилиб тушгандим. Бир неча марта Самарқанд шаҳридаги шифоналарда даволашни ҳам қарамай, ногирон бўлиб қолдим. Ҳозирда қўлтиқмаёнда юрман. Лекин бу менга қийинчилик тугдиряпти. Шу бос ногиронлар аравачаси сўраб, тегилан жойларга мурожаат қилдим. Бироқ натижаси бўлмапти. Сизларга мактуб йўллашимдан мақсад, менга шу масалада ёрдам берсаларингиз.

Шоназар ЭШТЎХТАРОВ
 Пахтачи тумани,
 Ш.Қаҳҳоров ширкат ҳўжалиги».

Ушбу хат таҳририят томонидан текшириш ва ёрдам бериш учун Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини иқтимоий муҳофазаси қилиш вазирлигига юборилди. Яқинда қўлидаги мазмунда жавоб мактубини олдик: «Ш. Эштўхтаровнинг таҳририятга ёрдам сўраб ёзган мактуби атрофлича ўрганиб чиқилди. Ҳақиқатан ҳам у механик ҳаракатланувчи ногиронлар аравачасига

муҳтожлиги тўғрисида туман иқтимоий таъминот бўлимига мурожаат этган. Ва у ерда рўйхатга олинган.

Ш. Эштўхтаровнинг кўп вақтдан бундан навбатда турганини ҳамда иқтимоий аҳоли инобатга олиниб, вазирликнинг фармойишига асосан, унга ногиронлар аравачаси ажратилди.
 А.ИНОҚОВ,
 Бошқарма бошлиғи».

DAEWOO UNITEL

КАМОЛОТ САРИ

Азиз Аёллар!

Daewoo Unitel Сизларни Халқаро хотин-қизлар кўни - 8 Март билан самимий мураббаб этади! Биз Сизларга бахт-саодат, тинчлик-осойишталик, эри кайфият ва соғлиқ тилаймиз!

март ойининг охиригача **УЛАНИШ БЕПУЛ**

ҳамда қўшимча **1000** мижозга **SIM КАРТА** учун **50% ЧЕГИРМА**

ЯНГИ! КОМФОРТ
 "КОМФОРТ" хизмат кўрсатиш пакети
АБОНЕНТ ТЎЛОВИСИЗ !!!

For your satisfaction only!



Бош офис:
 Тошкент ш., Бўхоро кўчаси, 1.
 Телефон: 185-00-22
 ёки *22 - савдо бўлими.

"Intercontinental"
 меҳмонхонасидаги филиал:
 Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 107а.
 Телефон: 185-09-80.

Компаниянинг вилоятлардаги офислари:
 Фарғона: 24-10-31, Кўкчи: 2-33-30
 Наманган: 4-22-02, Андижон: 53-33-30
 Бўхоро: 223-05-36, Самарқанд: 33-09-06

Лицензия: РТ № 000123

«Ўздэуавто» компанияси барча Ўзбекистон хотин-қизларини 8 март куни билан табриклайди!

Баҳор байрамлари арафасига «Ўздэуавто» компанияси мамнуният билан оламшумул ўйин — **5 та АВТОМОБИЛЬ** ютуғи ўйналишини маълум қилади.

Агар сиз антиқа ютуқ — **БИТА АВТОМОБИЛЬ ПУЛИГА ИККИТА АВТОМОБИЛ**нинг бахтли соҳиби бўлишни истасангиз, **ШОШИЛИНГ!!!**

Сизларни 7 мартдан бошлаб компаниянинг дилерлик корхоналари кутмоқда. Ўйинда фақат **2500** автомобиль иштирок этади.

Лотерея ўйинида машиналар кузови рақами тўғри келган автомобиль эгалари ютуқ соҳиби бўладилар. Лотерея ўйини Ўзбекистон телевидениесининг биринчи канали орқали намоиш этилади.

Ўйин шартлари:

- ўйинда 2002 йил 7 мартдан бошлаб сотилган дастлабки 2500 автомобиль иштирок этади;
- автомобиллар компаниянинг расмий дилерлик корхоналари автосалонларида сотиб олинган бўлиши шарт;
- ютуқ соҳиблари сотилган автомобилларнинг кузов рақамлари бўйича ўтказилган лотерея ўйини натижасига кўра аниқланадилар;
- ютуқ соҳибига ўзи сотиб олган автомобиль русумидаги автомобиль совға қилинади.

Матбуотдан хабардор бўлиб туринг: автомобиль сотиб олган ҳар бىр шахс ютуқ эгаси бўлувчи номасодлар рўйхатига киритилган.

Телевидениеда ўйин ўтказилишидан аввал иштирокчиларнинг исми ва фамилиялари «Халқ сўзи», «Народное слово», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон овози» газеталарида чоп этилади!

Барча саволлар бўйича компаниянинг расмий дилерларига мурожаат қилинг.
 Мулоқот учун компаниянинг Тошкентдаги ваколатхонаси телефонлари: 67-97-74, 67-33-65.

UZ-DAEWOO
 UZ-DAEWOO AUTO CO.

Эъзоз

Кубшининг нур кўллари узайди. Дархаллардаги тизимлик курткаларнинг елкасига офтоб теги. Улар бор кучларини тўллаб, қобилларини ёриб, очилмоқда интилади. Шу мунис чечаклар гулбарглари янгиликан хуш бўйданми 8 Ўзбекистон гулзорларининг бор гуллари бутун кўчаларга чиққанидани, сулар атири, ҳатто кўчаларга ўрнатилган телефон гушакларидан атир хиди гуркиради.

Харна бўлса-да, ҳаволар муаттар. Одатий кунларда нозиклик, нафосат қаршинида ўзини бироз ноқулай ҳис этадиган алп йиғитлар кўлига ҳам анвоий гулдасталар шундоққина ярашиб турибди. Улар гулдасталарини гўдак ушлагандай авайлаб тутайди.

Аёл-чи, у Чўлпон кукка чикар-чикмасдан ўз шаънига тўрт тарафдан ёғилаётган олқишларни майингина жилмайиб эшитди. Жарангдор сўзлар қанотидан ойим, колдузнинг ёнига учиб кетмайдими. Хамон кўз қири қабирининг қайфиятида, юраги қора-қўзи — фарзандида.

«Ишқилиб, тинчлик бўлин», — дейди. «Ишқилиб, болаларимиз бешиқаст ўссин, элнинг яхши қорига елка тутсин», — дейди. Исиқ тилдаклар қўшиб тақдим этилаётган гулдастанни қувониб бағрига босаркан, бироз йиманиб: «Нечун? Ахир, биз азал тақдирда шундай яратганмиз. Хаммаси табиий, нега бунча уриниш...» дегандай кўз учиде қараш қилади...

... Ҳар кимнинг Аёл ҳақидаги илк тасавурулари ўз онаси билан уйғонади. Қишлоғимизда камсуқум, захматкан бир чол яшарди. Фарзанди, оидиси йўқ, қишлоғимиздаги одамларнинг ишини қиларди. Кимнингдир тандирини қураб, кимнингдир уйини сувар... Биз болалар негадир уни хевали бува деб атадик. Қўлларига

пул тушганда, ҳайит, байрамларда бизга ҳалво, хўроққандлар совға қиларди. Вақти-соати етиб хевали бува қазо қилди. Жуда узоқда турадиган бир томири чатишган қариндошлари бор экан. «Биз сўз эгасимиз, олиб кетамиз», — дейишибди. Уша пайда менинг онам хўжалик раҳбарларидан бири эди. Уртага чиқиб:

— Хевали бобо бир умр бизга хизмат қилди. Азамиз, гўйимизда бирта бўлди. Сиз ҳеч хавотир олмаганлар, сўз эгаси биз бўламиз, — деди. Ва барча расм-русумларни адо

ҳам уларга оналик қилишни хоҳлайман. Дунёда қандай муъжизалар юз бермайдими...» — деб ялинди. Ишонасими, кўп ўтмай кўксига гувиллаб сўт келди...

Турланиб, тусланиб турувчи бу дунёда Сайдалай аёллар ҳам эмас. Айниқса, исми Меҳри, кўнгли Меҳр, излагани Меҳр бўлган бизнинг аёллар орасида. Бу саодатли фурсатларда дарёдай оқиб келётган гулдасталар ўша Меҳр учун!

— Кимлардир тўқимачилик корхоналаридаги бўёқларга ала-

БУ ГУЛЛАР СИЗНИКИ...



этиб, бобони дафн қилди қишлоғимиз.

Ёлғиз менинг онам эмас, қишлоғимизнинг қадрият даражасига кўтарилган гўзал удулларини асрайдиган хазира — Аёл қалби. Бугунги гуллар ана шу катта қалб, катта юрак учун!

Сайда исми аёлни биламан. Ёшгина келинчақ эгиз чақалоқларини дунёга келтириб, ўзи қазо қилди. Сайда ҳаммаҳалласининг гўдакларини бағрига олди.

— Уғил деса ўғилнинг бор, қиз деса, қизнинг. Бу полопондай жиш гўдакларни нима қилсан ўзинга ташвиш қилиб, — дегувчилар бўлди. Сайда индамади. Нимжон гўдаклар парвариши унга ҳақиқатан қийин келди. Чунки уларга сунъий сутани тошмалар тоша бошладилар. Дўхтирлар: «Табиий сут, она сунни эмиши керак», — дейишди. Бирмунча муддат қишлоқнинг икки чеккасидаги икки эмишчи аёлликка чақалоқларни навбатма-навбат олиб бориб эмиздириб юрди. Тинқиси қуриган бир тунда: «Э, Яратган эгам, шу гўдакларга раҳм қил! Мен ростдан

лергиям бор, дейишди. Мен ўша бўёқларнинг хидини ҳам соғиниб қоламан, — дейди узоқ йиллар Тошкент тўқимачилик комбинатида машаъл тўқувчи бўлиб ишлаган, бугун ҳам «устоз-шоғирлик» дастури бўйича ёш қизларга касб ўргатаётган Дилбархон Қулматова.

— Чингиз Айтматов «Момо ер» асарига Тулганойнинг ер билан сўзлашганини тўқиб чиқармаган. Мен ҳам ҳар кунни ерга дилимни тўқаман, дала ҳам менга гапини айтади, икковимиз бирга меҳнат қилиб оламиз-да шу ҳосилни — дейди асли касби агроном бўлган, бугун Амударё туманидаги «Океан» фермер хўжалигига раҳбарлик қилиб қийин шарафига пахта, бугун устираётган Дармонжон Абдуллоева.

Улар андижонлик Сибётахон, Асалхон, фарғоналик Мастураҳон, Қиёоятхон, сурхондарлик Сарварой, Биби-сора... Улар жуда кўп...

Демак, шерумуровли ўғиллар, гурури бошидаги папоғидан белгили эркаклар узатган гулдасталар Аёл меҳнатига сийлов! Заҳматига муко-

фоти! Уни сеvimли қилган, унинг юладузини иссиқ кўрсатган, уни Юртбоши эътирофлари, эъзозига сазовор этган, уни қаҳрамон даражасига кўтарган сифатлари, фазилатлари кўп.

Аёл кўллари дарё — суврати тушганлар ҳам сув бўлиб оқди, покланади. Аёл сўзлари жонбахш — унда умидлар, муҳаббатлар уйғонади.

Аёл кўллари хосиятли — тошларини, кесакларини, боғларини кўклатлади... Айниқса, юраги... У улуг Тангри ишончи ила инсон яратди. Тишсиз, тилсиз бир парча этдан миллат, халқ яратди. Демак, бутун дунё назарига тушиб турган Ўзбекистон аталмиши жаннатмакон юртининг тилқаниши, юксалиши бир тарафда нозикгина жусаси, улкан юраги билан Аёл турбанд.

Бу ҳаёт сўратларидан оқ, қизил, пушти гуллар шу яратувчиланик учун, шу фило-вийлик учун!

Қўтлибча РАҲИМБОЕВА.

ҲИҚМАТ

Истасангким етмагай сенга бало, Бермагил ҳеч кимга озору жафо.

ТАШКНАТ ЧЎЯН РАДИАТОРЛАРНИ
вагонлаб етказиб беради.

Тошкентдаги омбордан Россияда ишлаб чиқарилган куйидаги **САНТЕХНИКА ЖИҲОЗЛАРИНИ СОТАДИ:**

- чўян ванналар 150 см. ва 170 см.;
- умивальниклар тўплами;
- унмтазлар тўплами;
- ошхона учун мойкалар;
- ванна ва ошхона учун смесителлар;
- линолеум (15 хил).

Тел.: 137-72-24, 137-72-23.

Хурматли хонимлар ва жаноблар!

«АСАКА» БАНКИ

2002 йил 1 февралдан бошлаб банк амалиётларининг асосий йўналишлари бўйича хизмат кўрсатиш тарифларини **30%дан 50%гача** камайтирганлигини такроран эълон қилади.

«Асака» банки сизни ўзаро манфаатли ҳамкорликка чорлайди!

Маълумот учун телефонлар: 120-83-83, 120-81-62, 120-82-98, 120-82-66.
Манзил: 700015, Тошкент шаҳри, «Нукус» кўчаси, 67-уй.
Банк филиаллари — Нукус шаҳри ва барча вилоят марказларида жойлашган.

САВОЛ БИЗДАН...

Кимматбахо қоғознинг ҳозирги вақтдаги нархи билан тўлов пайтидаги нархи ёки номинал баҳоси ўртасидаги фарқ нима деб аталади?

136-35-60

Кечаги сонда берилган саволнинг жавоби: Бужумбура — Бурунди давлатининг, Катманду — Непалнинг, Масеру — Лесотонинг пойтахти ҳисобланади.
Бу ҳақда тошкентлик Қобилбек Қаримбеков ҳамда самарқандлик Дониёр Хайдаров хабар беришди.

МЕН ШОИРА ЭМАСМАН

Мен шоира эмасман, фақат ёзарман, Кимларнинг кўнглида нима борини, Мен шоира эмасман, фақат ёзарман, Кўнгли соғинчини ҳам баҳорини.

Оналар дилини яйратгум келур, Булбулдек кўнглини сайратгум келур, Улар севган, кутган вафодор бўлиб, Қаламда гул бериб қувонгим келур.

Ёшларни дарёдек тошчилар дейман, Балад-баланд тоғдан ошчилар дейман, Ал Беруний, Ибн Сино илларин босиб, Илми-билимини куччилар дейман.

Қизларимиз бўлсин Нодирабегим, Қорақалпоқ судуви Гулоийим дердим, Отабек излаган Кумушга ухшаб, Йиғитлар юрасин ёндирсин дердим.

Ҳайтимиз бўлсин ширин-фаровон, Сувилимиз мўла бўлсин, тизилсин қарвон, Мен шоира эмасман, лекин ёзарман, Халқимиз бўлишини ҳаминиша омон.

СЕВТИМ

Сизни соғинганда бўлурман хомуш, Юрагимга сизга на кузга, на хуш, Кўриб юрсандайман халқимда туш, Ақду хушим эғаллаб олгансиз севгим.

Ҳайтим мазмуни ва маъзи — Сизсиз, Юрагим тўрида яширин сирсиз, Мен энди яшай оламан дилсиз, Кўнглимга маҳкам берувчи севгим.

Ҳайтдаги яхши, ёмон кўнларимда ҳам, Ҳасратли уйқусиз тунларимда ҳам, Кўнглимга қил сизгай юрсандайман ҳам, Дилмга куч, кўнглимга хуш бўлган севгим.

Ширин **КАРИМБАЕВА**, Қорақалпоғистон.

Savdo Qurilish Loyiha MCHJ

Манзил: Тошкент ш. Юнусов мавзеси, 17-даҳа, 18-бино

Тел.: (998 71) 22-87-27, 22-91-87, 22-91-71
факс 121-77-92

Стандарт №15
Тел.: (99871) 169-39-06; 169-70-67.

- осма шип (Германия)
- керамик плиткалар (Россия, Италия)
- растрли ёритгичлар
- деворлар панеллари, ламинантлар (паркет), аксессуарлар
- гипсокартон 9,5 мм, 12,5 мм, сувга чидамли 12,5 мм
- линолеум
- ковролан
- ошхона ва ванна смесителлари, биде, раковиналар
- пластик ромлар

AMF КЕРАМА СВЕТОВЫЕ ТЕХНОЛОГИИ

ВЕТРОВРОТНИК

KNAUF IVC ITC

GROHE winBA

дизайн, пойхалаш, монтаж

"Интерконтиненталь" меҳмонхонасида 12-14 март кунлари ўтказиладиган "Uz Build 2002" Халқаро қурилиш материаллари кўргазмасидаги стэндимизга таклиф этимиз.

Россия фирмаси

йигирув ишлаб чиқариши чиқиндис - қайта тараш тарандиларини юқори нархларда сотиб олади.

Стандарт №15
Тел.: (99871) 169-39-06; 169-70-67.

Реклама ва эълонлар 136-09-25

Паррандачилик корхонаси

катта миқдорда **ЖҲҲОРИ ДОНИ** сотиб олади ва **БРОЙЛЕР ТОВУҚ ГҲШТИ** сотади.

Нархи ва тўлов шакли — келишув асосида.

Мурожаат учун телефонлар: 133-41-90, 133-18-12.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси жамоаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси маъсул ходими Раҳмон Кўчқорова падари бузруквори **ЎРМОНЖОН отанинг** вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси жамоаси «Ахборот» дирекцияси ходимлари Замира Муқодирова ва Феруза Ҳидоятговаларга волидай муҳтарамаси **ЗУҲРИНСО аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жиноятларни тергов қилиш бошқармасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчиси Қалқон Жўраева онаси **Ойпарча УМАРОВА**нинг вафот этганиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент кимё-технология институти ректорати, жамоа ташкилотлари «Ё-ойлар технологияси» кафедрасининг профессори **Рустам МИРЗАКАРИМОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: **Аббосхон УСМОНОВ**

Таҳрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарходий, И. Худойёров, И. Шогүломов, О. Қашбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. Ҳошимов.

МУАССИСЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва телемақоалар бўлими 136-29-89; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўттириш тўғрисида № 00001-Буюртма Г — 294 38254 нусхала босилган, ҳажми — 2 тибок, Объет усулида босилган. Қотоз бичими А—2. Газета ИВМ компьютеризация терияди ва операторлар Жамина ГОНАЕВ ва Зоияр БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди. Таҳририятда ҳажми 5 қозондан энди материаллар қабул қилинмайди. Тижорат материали

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Боснишга топшириш вақти—21.00 **топиришида: 21.15** 1 2 3 4 5 6